

## Пресс-релиз

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори билан **2022 йилда соҳа корхоналарига 600 млн доллар** миқдорда қурилиш материаллари ва хизматларини экспорт қилиш режа кўрсаткичлари. Жумладан, январь-сентябрь ойлари учун **396,4 млн доллар** миқдорида экспорт қилиш режалаштирилган эди.

Жорий йил **9 ойлиги** якуни бўйича олинган тезкор маълумотларга кўра тармоқ корхоналари томонидан **445,5 млн доллар** миқдорида қурилиш материаллари ва хизматлари экспорти амалга оширилиб, белгиланган режа **112,4 фоизга** бажарилди. Бу 2021 йил жорий даврига нисбатан **155 фоизга** ёки **160 млн долларга** кўп демакдир.

Юқоридаги экспорт кўрсаткичлар **67 млн долларлик** керамик плитка ва керамика буюмлари, **30,5 млн долларлик** алюмин профил ва панеллар, **61,2 млн долларлик** ПВХ профил, труба ва фитинглар, **7,5 млн долларлик** цемент, **33,7 млн долларлик** куруқ қурилиш қоришмалари, **27,1 млн долларлик** гулқоғоз, **12,6 млн долларлик** табиий пардозбоп тошлар каби қурилиш материаллар экспорт қилиш ҳисобига эришилди.

Эътиборли жиҳати, аксарият қурилиш материаллар бўйича тармоқда янги қувватларни яратилиши ва модернизация қилиниши, инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши, ҳамда янги корхоналарни экспортга жалб қилиниши ҳисобига баъзи турдаги қурилиш материаллари экспортини **2021 йил шу даврига нисбатан** бир неча баробарга оширишга муваффақ бўлинди. Мисол учун, 2021 йилга нисбатан керамик плиткалар **1,4 баробарга**, гулқоғоз **2,6 баробарга**, табиий пардозбоп тошлар **1,7 баробарга**, ойна маҳсулотлари **1,6 баробарга** кўп экспорт қилинди.

Жорий йилнинг ўтган ҳисобот даврида қурилиш материаллари экспорти географияси анъанавий ҳисобланган бозорлар яъни **Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистондан** ташқари **Афғонистон, Россия, Литва, Туркия, Украина, Озарбайжон, Хитой ва Эрон** давлатлари ҳисобига кенгайтирилди.

Қурилиш материалларининг асосий экспорт бозорлари бўлиб кўшни республикалар бозорлари ҳисобланиб, ушбу давлатларнинг умумий экспортдаги улуши қарийб **71 фоизни** ташкил этмоқда. Хусусан, давлатлар кесимида **кўриб чиқадиган бўлсак**, Қозоғистонга – **138,6 млн долларлик**, Қирғизистонга – **64,2 млн долларлик**, Тожикистонга – **44,5 млн долларлик**, Туркменистонга – **17,3 млн долларлик**, Афғонистонга – **1,8 млн долларлик**, Россияга – **43,1 млн долларлик**, Литвага – **14,5 млн долларлик**, Туркияга – **7,4 млн долларлик**, Украинага – **2,5 млн долларлик**, Озарбайжонга – **6,2 млн долларлик** қурилиш материаллари экспорти амалга оширилган.

“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси

